



## ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИ ЕРЛАРИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ

Эрматова Дилбархон Ҳтановна  
Аширалиева Гулшодахон  
Турсунова Зухрахон  
(Фарғона политехника институти)

**Аннотация:** Ушбу мақолада тақлиф этилаётган янги усул – қулупнай ва редискани биргаликда парваришлаш ва юқори ҳосил олишида дала тажрибаларига асосланган янги агротехнология ҳақида фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** Экинларни зичлаштириб экиш, қулупнай ва редискани биргаликда парваришлаш, қулупнайнинг шифобахш хусусиятлари, агротехнология, экиш муддатлари, ўғитлаш меъёри, суғориш муддатлари, ҳосилдорлик.

Аҳолининг озиқ – овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириш, бозорларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларининг барқарорлигини таъминлаш, озиқ – овқат экинларининг қисқа муддатларда биргаликда такрорий экин сифатида экиб ҳосил етиштириш дунё аҳолиси кўпайиши жадал давом этаётган ҳозирги кундаги долзарб муаммолардан биридир. Дала тажрибаларимизда экилган асосий экин – қулупнайдан ҳам, зичлаштириб экилган редискадан қувонарли натижалар олинди. Қулупнай баҳорнинг энг мазали резавор меваси ҳисобланади. У нафақат мазали резавор ва ажойиб ширинлик, балки фаол шифобахш ширинлик ҳамдир. Янгилигида ҳам консервланган ҳолатида ҳам такрорланмас таъмга эгадир. У иштаҳа очиш билан бирга ҳазм фаолиятини меъёрлаштиради. Организмда туз миқдорини нормалаштиради. Қулупнай организмни ёшартиришда, хужайраларнинг тезроқ янгилашишида, тана ҳароратини пасайтиришда, қонни суюлтиришда, организмни энергия билан таъминлашда аҳамияти беқиёсдир. Организмдан токсинлар ва оғир металлларни чиқаришда тавсия этилади. Таркибида оқсиллар кўп бўлиб, иммунитетни кучайтиради. Қулупнайнинг янги меваси ёки шарбати теридаги ажинларни йўқотишда ва юз терисини озиқлантиришда бошқа косметик воситалардан устундир. Лекин баъзи инсонларда аллергия кўзғотади. Унинг кимёвий таркиби 5 – 12 % углевод (глюкоза, фруктоза, сахароза) лимон кислотаси, турли фойдали моддалар ва фенол бирикмалари бор. Витаминлардан А, С, В ва минераллардан темир, кобальт, марганец, молибден, ва фтор мавжуд.



Қулупнай таркибидаги витаминлар қайта ишлаш жараёнида ҳам йўқ бўлиб кетмайди ва инсон организмга фойда келтиради. Қулупнай тез бузулувчи маҳсулот бўлганлиги сабабли, 1-2 кунлик маҳсулотлар исеъмол қилинади. Ўзбекистон боғларида етиштирилаётган мевали ва резавор мевали ўсимликлар ичида қулпунай алоҳида ўринга эга. Ўзбекистонда қулупнай кўчатларини энг қулай экиш муддати 15 июлдан 15 августгача ҳисобланиб, август ойидан кейин экилган кўчатлар яхши ривожлана олмайди ҳамда келаси йили кам ҳосил беради. Қишда айрим совуқ кучли бўлган йиллари қулпунай тушларини совуқ уриши натижасида қуриб қолиши мумкин. Қулпунайдан доимо мўл ҳосил олиш учун оналик боғини яратиб олиш керак. Қулупнай етиштириш учун дастлаб ер танлаб олинади, ҳайдашдан олдин тупроқ унумдорлигига қараб гектарига 40 – 60 тонна ярим чириган гўнг ва 600 – 1000 кг суперфосфат солинади, тупроқ 30 см чуқурликда ҳайдалиб, кейин чизель қилиниб, текисланади. Ундан сўнг ариқ олиниб суғорилади. Пушталарнинг кенлиги 70 см, кўчат ораси 30 см бўлиши керак. Тупроқ тўлиқ намлангач, майдонга қулупнай кўчатлари олиб келиниб, 70x30 схемасида кўчатлар экилади. Кўчатлар яхши ривожланган илдиз тизими камида 4 – 5 см ўсган, 2 – 3 та барг чиқарган бўлиши керак. Кўчатлар экилгач, 3 кунгача майдонга майдонга жилдиратиб сув қўйилиб турилади. Экилган кўчатлар 10 кундан сўнг текшириб чиқилиб, ҳар бир навдан кўкармай қолган кўчатлар ҳисоб – китоб қилиниб, қуриган кўчатлар ўрни тўлдирилади. Экилган кўчатлар тупроқ намлигига қараб, ҳар 7 – 8 кунда суғориб турилади. Қулупнай вегетация даврида 13 – 24 мартаба суғорилади, бунда ҳар суғоришда гектарига 300 – 800 м<sup>3</sup>/ га сув сарфланади. Қулупнай ҳосилдорлиги тупроқни кўкламги юмшатиш вақтига боғлиқ бўлиб, тупроқ қанчалик эрта юмшатилса, ҳосил ҳам юқори бўлади. Бунда кўчат атрофи юмшатилиб, бегона ўтлардан тозаланади. Қулупнай қатор ораларини ишлаш билан бир вақтда азот - 60 кг ва фосфор - 30 кг нисбатда озиқлантирилади. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, янги қулупнай плантацияларини барпо қилиш учун, оналик қулупнайзорларни ташкил этиш тавсия этилади. Бу қулупнайзорларга эса ердан унумли фойдаланиш мақсадида юмалоқ шаклли редиска уруғлари сепилади. Редиска илдизмеваси март ойида, қулупнай резавор мевалари эса май ойида йиғиштириб олинади. Ҳосил териб олинганидан кейин азотли ва фосфорли ўғитлар билан озиқлантирилади. Ўсимлик бу вақтда келгуси йил учун ҳосил куртакларини йиға бошлайди. Туплар эски қуриган барглардан тозаланади, бунда қуриган баргларни четга олиб чиқиб, ёқиб юбориш керак. Очилиб



қолган илдишларга тупроқ тортиб чиқилады. Тавсия этилган навлари: Альба, Чёрный принц.

Иккинчи экин – редиска булиб, бутгуллилар оиласига киради. Редисканинг тезпишар навлари ўсув даврининг қисқа бўлиши билан ажралиб туради, шунинг учун уни очиқ ерга бир неча мудатда экиб узоқ вақтгача редиска етиштириш мумкин. Томорқаларда экиш учун қуйидаги навлар тавсия этилади: тезпишар Сакс, оқтумшук – қизил редиска, Рубин. Уруғи октябрь, февраль ойларида сепилади. Редискани ёзда экиб бўлмайди. Редиска гулпоя чиқариб юбормаслиги учун тупроқни ўз вақтида юмшатиш ва суғориш бегона ўтларни йўқотиш, экинни ягана қилиш зарур. Етиштирилаётган редискадан уруғ олиш учун илдимеваси (редискаси) олиниб, алоҳида ерга экилади. Редиска экиладиган жой қуёш нури тушиб турадиган бўлиши керак. Редиска ҳосил бўлаётган пайтда ўсимликнинг намга талаби ортади. Тавсия этилаётган агротехникада экиш усули ва муддати. 15 - октябрда редисканинг юмалоқ, тезпишар редиска уруғи қулупнай пушталарига сепилади. Бу муддатда экилган редиска “илик узилди” вақтига истеъмолга тайёр бўлади. Иссиқсевар ўсимликлар экилгунча етиштирилади. Ҳар 1 м<sup>2</sup> ерга 4-5 г уруғ кетади. Униб чиққач кўчатларнинг қалинлигига кўра зарурат бўлса эрта баҳорда сийраклаштирилади. Яганадан сўнг ўсимлик оралиғи 5 – 6 см қолдирилади. Йирик уруғ экилганда эрта мудатларда йиғиб олиш мумкин бўлади. Редиска парвариши осон бўлган экинлардан бири бўлиб, ҳаво ва тупроқ ҳарорати ҳамда намлигини нормал сақлашдан иборат. Редиска – С гача совуққа чидайди. Шунинг учун ҳам редиска тўқсонбости экин сифатида экилганида ҳам жуда яхши ҳосил беради. Редиска ҳосилини териб олиш давомида қулупнай атрофидаги тупроқ юмшайди, бегона ўтлар ҳам чиқиб кетади. Редискани парваришлаш. Редиска учун ҳавонинг ўртача ҳарорати 14-16 ° бўлиши тавсия этилади. Ҳаво 20 °дан исиб кетса, ўсимлик ғовлаб кетади, илдимеваси сифатсиз бўлади, илдимеваси етилиш даврида ҳарорат 24 ° дан ошганда редиска ҳосил қилмай гулпоя чиқаради. Ёруғликка талабчанлиги, юқори ҳароратга бардош беролмаслиги билан бошқа кўк сабзавотлардан ажралиб туради. Ҳарорат ўртача, кунлар қисқа, ҳаво ва тупроқ намлиги юқори бўлганда, редиска ҳосилдорлиги ортади. Бироқ тупроқни ҳаддан ташқари намлаб юбориш ҳам ярамайди. Редискани ўсув даврида қуйидагича ҳарорат бўлиши лозим: майсаси кўрингунча 20 – 22 С<sup>0</sup>, тупроқ ҳарорати 12-16 С<sup>0</sup>, ҳаво намлиги 60-65 % бўлиши керак. Редиска ниҳоллари униб чиққунча сув берилмайди. Тупроқнинг юза қатлами қуригач, суғорилади.



Илдиз тугунча пайдо бўлгунча сув кам берилиб, сўнг тез-тез суғорилади. Ўсув даври давомида редиска икки марта қўшимча озиқлантирилади. 15 октябрда экилган редиска март ойида йиғиб олинади. Редиска илдизмева туга бошлагунча кам сув берилади, илдизмева тўлиша бошлаганда тез-тез ва тўйдириб суғорилади. Тупроқни ҳаддан ташқари қуритиб, сўнга суғориш ярамайди, бундай қилинганда редиска чатнаб ёрилади. Эрта баҳорда ўсимлик орасини 3-4 см оралиғида ягана қилинади. 1 метр<sup>2</sup> ердан ўртача 2-3 кг дан редиска ҳосилини йиғиб олиш мумкин. Редиска навига хос бўлган катталигида кетма – кет йиғиб олинади. Таклиф этилаётган Эртапишар навлари қуйидагилар: “лола”, “ Эртапишар”, “ майский.” *Хулоса.* Аҳолининг озиқ – овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириш, бозорларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларининг барқарорлигини таъминлаш, озиқ – овқат экинларининг қисқа муддатларда биргаликда такрорий экин сифатида экиб ҳосил етиштириш дунё аҳолиси кўпайиши жадал давом этаётган ҳозирги кундаги долзарб муаммолардан биридир. Шу амалиётлардан келиб чиқиб, қулупнай ва редискани биргаликда экиб, ҳар иккала экиндан ҳам сифатли ва мўл ҳосил олиш мумкин эканлиги ўтказган тажрибаларимизда ўз тасдиғини топди

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абдуллаева Ҳ. Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги журнали № 8 2019 й.
2. Ҳ. Бўриев. А. Абдулаев. Тошкент. “Мехнат” 1987. Томорқа сабзавотчилиги. 90-бет.
3. Эрматова Д, Маматожиёв Ш, Эргашева Д. Қулупнай ва редиска ҳосилини биргаликда етиштиришнинг янги агротехникаси. DGU № 16218. 2022 й. Тошкент.
4. Сулаймонов, О. Н., Аскарлов, Х. Х., & Йигиталиев, Д. Т. (2020). Влияние детонационной обработки на биологическую активность почв, рост, развитие и плодоношение хлопчатника. In *Мелиорация как драйвер модернизации АПК в условиях изменения климата* (pp. 161-166).
5. Сулаймонов, О. Н., Аскарлов, Х. Х., & Йигиталиев, Д. Т. (2019). Влияние детонационной обработки на свойства орошаемых луговых сазовых почв и урожайность хлопчатника. *Актуальная наука*, (11), 78-90.



6. Olimjonovich, I. O., & Yigitaliev, D. T. O. (2020). The protein problem and some of its solutions. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(11), 426-432.
7. Сулаймонов, О. Н., Аскарлов, Х. Х., & Йигиталиев, Д. Т. У. (2020). Способы обработки почв в целях борьбы с образованием поверхностной корки. *Universum: химия и биология*, (7 (73)), 12-16.
8. Ogli, Y. D. T., & Qizi, M. G. U. (2022). Growth, development and yield of soya varieties in medium salty soils. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 12(5), 1337-1340.
9. Growth, development and yield of soya varieties in medium salty soils
10. Yusupaliyevich, I. B. (2021). Growth, Development and Productivity of Shade Varieties in Medium Salt Soils. *International Journal on Orange Technologies*, 3(6), 85-88.